

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ,
ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ ФАРҒОНА
ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИДА
ТАЛАБАЛАР БИЛИМИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА
БАҲОЛАШ ТИЗИМИ ТЎҒРИСИДАГИ**

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Фарғона давлат техника университети

ректор _____ в.в.б И.Жахонгиров

“ ___ ” _____ ” 2026 йил

НИЗОМИ

Университет Илмий Кенгашида
Муҳокама қилинган ва маъқулланган
“29” январь 2026 й. №6

Фарғона 2026 йил

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ,
ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ ФАРҒОНА
ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТАЛАБАЛАР БИЛИМИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА
БАҲОЛАШ ТИЗИМИ ТЎҒРИСИДАГИ**

НИЗОМ

Фарғона 2026 йил

Ўзбекистон Республикаси олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги
Фарғона давлат техника университетининг
Талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисидаги
НИЗОМИ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020-йил 31-декабрдаги “Олий таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги №-824-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025-йил 13-сентябрдаги “Олий таълим ташкилотларига ўқишга қабул қилиш жараёнларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги №-578-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирининг 2024-йил 2-декабрдаги “Олий таълим ташкилотларида талабалар билимини баҳолашдаги норозилик бўйича апелатция аризаларини кўриб чиқиш ва талабаларнинг дарс машғулотларида иштирок этишини тартибга солиш тўғрисида”ги №-451 сонли буйруғи, Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирининг 2024-йил 2-декабрдаги “Олий таълим ташкилотларида талабалар билимини баҳолаш ва назорат қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги №-452 сонли буйруғи, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020-йил 31-январдаги “Олий таълим муассасалари талабаларига тўланадиган стипендиялар миқдорларини белгилаш ҳамда стипендиялар тайинлаш ва тўлаш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги №-59 сонли қарори, Фарғона давлат техника университетининг 2025-йил 30-сентябрдаги “Университетда 2025-2026 ўқув йилида ўзлаштириш ва сифат кўрсаткичларини ошириш ҳамда семестр якунлари бўйича фанлардан академик қарздорликларни бартараф этиш тўғрисида”ги 2-сонли Илмий Кенгаш қарорлари орқали ташкил этишни белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар.

1. Мазкур Низом Университетнинг барча таълим йўналиш курсларига ҳамда магистратура йўналишларига ўқишга қабул қилинган талабаларига ҳамда

- университетда академик мобиллик асосида ўқишни давом эттираётган талабаларнинг билимини назорат қилиш ҳамда баҳолашда қўлланилади;
2. Университет профессор-ўқитувчилари талабаларнинг академик гуруҳлардаги биринчи дарс машғулотларида мазкур Низомнинг мазмуни ва уни қўллаш тартиби билан таништиришлари шарт;
 3. Талабаларни билимини баҳолашда белгиланган фанлар бўйича жорий назорат, оралик назорат, якуний назоратлар, малакавий амалиёт, битирувчиларнинг якуний давлат аттестацияси, шунингдек магистратура босқичида илмий тадқиқот ва илмий педагогик ишлар ҳамда магистратура диссертацияларини баҳолашда мазкур Низомда белгиланган баҳолаш мезонлари қўлланилади;
 4. Талабаларни фанлардан ўзлаштириш кўрсаткичлари Университетнинг “HEMIS” платформасига 5 иш кунда қайд этилади;
 5. Хорижий олий таълим муассалари билан белгиланган тартибда академик мобилликни амалга оширган талабаларда вужудга келадиган фанлар фарқи тўловсиз ушбу низомга асосан амалга оширилади;
 6. Академик таътилдан белгиланган муддатда қайтган талабага фанлар (кредитлар) фарқи аниқланган тақдирда, бепул бир марталик ўзлаштириш имконияти берилади;
 7. Фанлардан ўтказилган якуний назорат ишларидан етарли баҳоланмаган талабаларга қайта бир марталик (бепул) якуний назоратни топшириш ушбу низомга асосан бажарилади;
 8. Кредит — таълим олиш натижаларига кўра талаба томонидан муайян фан бўйича ўзлаштирилган ўқув юкламасининг ўлчов бирлиги. Кредитлар қоидага мувофиқ бутун, Кредитлар қоидага мувофиқ бутун сонларда ифодаланади;
 9. Фанлардан академик қарздор талабаларнинг мавжуд академик қарздорликлари ёзги семестр олий таълим муассасаси томонидан одатда таътил вақтида кредит миқдордан келиб чиқиб пулли асосда ташкил этилади;

10. Академик қарздор битирувчи ҳамда битирувчи курс талабаларига ўқув йили давомида профессор-ўқитувчиларни ўқув юкларидан келиб чиқиб, дарслардан бўш вақтларда қайта ўқиши кредит миқдордан келиб чиқиб пулли асосида ташкил этилади;
11. Семестр якунлари бўйича академик қарздор битирувчи ва битирувчи курс талабалари учун, назарий таълим жараёнида ҳар ой учун 6 кредитдан ошмаган, таълим жараёнлари бўлмаган ойларида 12 кредитдан (фанларнинг хусусиятидан ва кредитларидан келиб чиқиб белгиланган кредит миқдори ўзгариши мумкин) ошмаган миқдорда фан кредит миқдоридан келиб чиқиб пуллик асосда қайта ўзлаштириш ташкил этилади.

2-боб. Назорат турлари ва баҳолаш мезонлари

1-§. Назорат турлари

1. Университетда талабалар билимини баҳолаш оралиқ, жорий ва якуний назорат турларини ўтказиш орқали амалга оширилади;
2. Оралиқ назорат семестр давомида фан дастури(силлабус)нинг тегишли бўлими тугагандан кейин талабанинг билим ва амалий кўникмаларини баҳолаш мақсадида ўқув машғулоти давомида ёки ўқув жараён жадвалида ажратилган ҳафталарда ўтказилади.
3. Оралиқ назорат тури ҳар бир фан бўйича фаннинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда 2 мартагача ўтказилиши мумкин;
4. Оралиқ назорат турининг топшириқлари тегишли кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилади ва мазкур кафедра мудири томонидан тасдиқланади;
5. Талабанинг амалий, семинар, лаборатория машғулоти ва мустақил таълим топшириқларини бажариши, шунингдек унинг ушбу машғулотлардаги фаоллиги фан ўқитувчиси томонидан жорий назоратда баҳолаб борилади;

6. Якуний назорат тури семестр якунида тегишли фан бўйича талабанинг назарий билим ва амалий кўникмаларини ўзлаштириш даражасини аниқлаш мақсадида ўтказилади;
7. Якуний назорат турини ўтказиш шакли тегишли фан бўйича кафедра томонидан “*Ўқув-услубий бошқармаси*” ҳамда “*Регистратор офис*” билан келишган ҳолда белгиланади;
8. Якуний назорат тури Университетнинг “*Регистратор офис*” томонидан ишлаб чиқилади ҳамда ўқув ишлари бўйича проректор томонидан тасдиқланадиган Якуний назорат турларини ўтказиш жадвалига мувофиқ ўтказилади;
9. Фан хусусиятидан келиб чиқиб оралиқ ва якуний назорат турлари ёзма, оғзаки, амалий топшириқ ёки тест шакллари(HEMIS тизими)да ўтказилиши мумкин.

2-§. Талабалар билимини баҳолаш мезонлари.

1. Талабаларнинг билимини баҳолаш қуйидаги мезонлар асосида бажарилади;
 - талаба мустақил хулоса ва қарор қабул қилади, ижодий фикрлай олади, мустақил мушоҳада юритади, олган билимини амалда қўллай олади, фаннинг (мавзунинг) моҳиятини тушунади, билади, ифодалай олади, айтиб беради ҳамда фан (мавзу) бўйича тасаввурга эга деб топилганда — 5 (аъло, 90-100 балл);
 - талаба мустақил мушоҳада юритади, олган билимини амалда қўллай олади, фаннинг (мавзунинг) моҳиятни тушунади, билади, ифодалай олади, айтиб беради ҳамда фан (мавзу) бўйича тасаввурга эга деб топилганда — 4 (яхши, 70-89 балл);
 - талаба олган билимини амалда қўллай олади, фаннинг (мавзунинг) моҳиятни тушунади, билади, ифодалай олади, айтиб беради ҳамда фан (мавзу) бўйича тасаввурга эга деб топилганда — 3 (қониқарли, 60-69 балл);

- талаба фан дастурини ўзлаштирмаган, фаннинг (мавзунинг) моҳиятини тушунмайди ҳамда фан (мавзу) бўйича тасаввурга эга эмас деб топилганда — 2 (қониқарсиз, 60 баллдан кам) баҳо билан баҳоланади;
- 2. Оралиқ, жорий ҳамда Якуний назоратларнинг балл тақсимооти университет Илмий Кенгаши қарори асосида амалга оширилади;
- 3. Назорат турларини ўтказиш бўйича тузилган топшириқлар(HEMIS тизимида)нинг мазмуни талабанинг ўзлаштиришини холис (объектив) ва аниқ баҳолаш имкониятини бериши шарт.

3-боб. Талабалар билимини баҳолаш.

1. Талабалар билимини баҳолаш 100 баллик тизимда амалга оширилади;
2. Оралиқ ва жорий назорат турини ўтказиш ва мазкур назорат тури бўйича талабанинг билимини баҳолаш бўйича ўқув машғулотларини олиб борган тегишли фан профессор-ўқитувчилари (маъруза, амалий/семинар ва лаборатория машғулот олиб борган профессор-ўқитувчилар) томонидан амалга оширилади;
3. Якуний назорат турини ўтказиш ва мазкур назорат тури бўйича талабанинг билимини баҳолаш ўқув машғулотларини олиб бормаган профессор-ўқитувчи томонидан амалга оширилади. Бунда ўқув машғулотларини олиб борган профессор-ўқитувчилар академик гуруҳ талабаларининг оралиқ ва жорий назорат бўйича баҳолаш кўрсаткичларини тақдим этади;
4. Талабаларнинг Якуний назорат ишларини текшириш ва баҳолаш мазкур фан бўйича тегишли мутахассисликка эга бўлган профессор-ўқитувчилар томонидан университетнинг таълим сифатини назорат қилиш бўлими ёки факультет томонидан белгиланган маъсуллар назорати остида амалга оширилади.
5. Тегишли фан бўйича ўқув машғулотларини олиб борган профессор-ўқитувчи якуний назорат турини ўтказишда иштирок этиши тақиқланади;

6. Якуний назорат турини ўтказишда келишув асосида бошқа олий таълим ташкилотларининг тегишли фан бўйича профессор-ўқитувчилари жалб қилиниши мумкин;
7. Университетда назорат турларини ўтказилиши тегишли университетнинг таълим сифатини назорат қилиш бўлими томонидан доимий равишда ўрганиб борилади. Бунда назорат турларини ўтказилиш тартиби бузилганлиги аниқланган ҳолларда, ўтказилган назорат турларининг натижалари бекор қилиниши ҳамда тегишли назорат тури қайтадан ўтказилиши мумкин;
8. Оралиқ ва жорий назорат турларини топширмаган, шунингдек ушбу назорат турлари бўйича «2» (қониқарсиз) баҳо билан баҳоланган талаба якуний назорат турига киритилмайди;
9. Якуний назорат турига кирмаган ёки киритилмаган, шунингдек ушбу назорат тури бўйича «2» (қониқарсиз) баҳо билан баҳоланган талаба академик қарздор ҳисобланади;
10. Талаба узрли сабабларга кўра оралиқ, жорий ва (ёки) якуний назорат турига кирмаган тақдирда ушбу талабага тегишли назорат турини қайта топширишга факультет деканининг фармойиши асосида рухсат берилади;
11. Бир кунда 1 тадан ортиқ фан бўйича якуний назорат тури ўтказилишига йўл қўйилмайди;
12. Якуний назорат ишларидан етарли баҳо тўплай олмаган талабаларга бир марталик қайта (бепул) топшириш имконияти берилади;
13. Талаба баҳолаш натижасидан норози бўлган тақдирда, баҳолаш натижаси эълон қилинган вақтдан бошлаб 24 соат давомида апелляция бериши мумкин. Талаба томонидан берилган апелляция Апелляция комиссияси томонидан 2 кун ичида кўриб чиқилиши лозим;

14. Баҳолаш натижасидан норози бўлган талабалар апелляция бериш тартиби Олий таълим, фан ва инновациялар вазирининг 2024-йил 2-декабрдаги 451-сон учун буйруғи асосида ташкил этилади;
15. Апелляция комиссияси таркибига талабани баҳолашда иштирок этмаган тегишли фан профессор-ўқитувчилари орасидан комиссия раиси ва камида тўрт нафар аъзо киритилади;
16. Талабанинг апелляциясини кўриб чиқишда талаба иштирок этиш ҳуқуқига эга;
17. Апелляция комиссияси талабанинг апелляциясини кўриб чиқиб, унинг натижаси бўйича тегишли қарор қабул қилади. Қарорда талабанинг тегишли фанни ўзлаштиргани ёки ўзлаштира олмагани кўрсатилади;
18. Апелляция комиссияси тегишли қарорини факультет декани ва талабага етказилишини таъминлайди.

4-боб. Баҳолаш натижаларини қайд қилиш

1. Талабалар билимини баҳолаш тегишли фан бўйича профессор-ўқитувчи томонидан Талабаларнинг фанларни ўзлаштиришини Университетнинг **“HEMIS”** электрон платформасига қайд этиб борилади;
2. Профессор-ўқитувчи электрон тизимда талабага қўйилган баҳоларни шу куннинг ўзида қайд этиб боради. Агар талабанинг билимини баҳолаш ёзма иш шаклида ўтказилган бўлса, бунда профессор-ўқитувчи талабаларнинг натижаларини 3 кундан кўп бўлмаган муддатда электрон тизимга қайд этиши лозим;
3. Назорат тури бўйича талабанинг билими «3» (қониқарли) ёки «4» (яхши) ёхуд «5» (аъло) баҳо билан баҳоланганда, назорат турини қайта топширишга йўл қўйилмайди;
4. Талаба назорат тури ўтказилган вақтда узрли сабабларсиз қатнашмаган ҳолларда Университетнинг **“HEMIS”** электрон платформасига «0» белгиси ёзиб қўйилади;

5. Электрон тизимнинг ўз вақтида, тўғри ва тўлиқ юритилиши, шунингдек ундаги баҳо ва бошқа маълумотларга асоссиз ўзгартиришлар киритилмаслиги учун факультет декани ва тегишли фан бўйича профессор-ўқитувчи масъул ҳисобланади;
6. Бир фанга ажратилган аудитория соатининг 25 фоизини ва ундан ортиқ соатни сабабсиз қолдирган талаба ушбу фандан четлаштирилиб, якуний назоратга киритилмайди ҳамда мазкур фан бўйича тегишли кредитларни ўзлаштирмаган ҳисобланади. Якуний назорат турига киритилмаган ёки кирмаган, шунингдек, ушбу назорат тури бўйича қониқарсиз баҳо олган талаба академик қарздор ҳисобланади.
7. Ўқув йили якуни натижалари бўйича GPA кўрсаткичи 2,4 дан паст бўлган талабалар Университет ректорининг буйруғи билан курсдан-курсга қолдирилади;
8. Малакавий амалиётга сабабсиз қатнашмаган, шунингдек, малакавий амалиёт якунлари бўйича қониқарсиз баҳо оланган талаба курсдан-курсга қолдирилади.
9. Академик қарздорлиги туфайли курсдан-курсга қолдирилган талабалар тегишли ўқув семестридан бошлаб фақат ўзлаштира олмаган фанларига тўлов амалга ошириб такроран ўқийди.
10. Ўқув режалардаги фанлари бўйича фарқлар аниқланганда, талаба академик қарздор сифатида ўқишга қабул қилинади.
11. Фанлардан академик қарздор талабалар муайян семестр давомида тегишли фанлардан ўзлаштирилмаган кредитлар миқдорига мос равишда базавий тўлов-контракт миқдоридан келиб чиққан ҳолда тўловни амалга оширгандан сўнг ўзлаштирилмаган фанларни ўз ҳисобидан қайта ўқийди.
12. Юқорида кўрсатилган 100 баллик баҳолаш 3069-сонли буйруғи 5-боб 1,2-жадвалларига мувофиқ баҳолик шкаласига ўтказилади ва қиёсий таққосланади.

5-боб. Якуний қоида

1. Мазкур Низом университет Илмий Кенгаши томонидан маъқулланган.

		Credit Transfer System)					
«5»	«5»	«A»	«A+»	70 — 100	80 — 100	90 — 100	90 — 100
			«A»				
			«A-»	65 — 69			
«4»	«4»	«B»	«B+»	60 — 64	70 — 79	80 — 89	70 — 89,9
		«C»	«B»	50 — 59			
			«B-»				
«3»	«3»	«D»	«C+»	45 — 49	60 — 69	70 — 79	60 — 69,9
		«E»	«C»	40 — 44			
			«C-»				
			«D+»				
			«D»				
			«D-»				
«2»	«2»	«FX»	«F»	0 — 39	0 — 59	0 — 59	0 — 59,9
		«F»					